

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ХАТАМОВ КОБИЛ ХАЙРИЕВИЧ**

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА АСОСИЙ  
ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2019 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1PhD/Iqt.442 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва “ZiyoNet” таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қўзиёв Исломжон Неъматович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Шакарров Қулмат Аширович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ  
хўжалигини механизациялаш  
муҳандислари институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс (99871) 234-46-26; e-mail: [info@tfi.uz](mailto:info@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги №\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Каримов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси ўринбосари, и.ф.д., профессор

**С.У. Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И. Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н.,  
доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон амалиётида асосий воситаларни мунтазам равишда модернизация қилиш, унинг самарадорлигини ошириш учун доимий равишда инвестициялар киритиш талабларидан бири молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлар асосида юритиш ва улардан фойдаланишдир. Айниқса асосий воситаларни мунтазам янгилаб туришда унинг ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲҲС) 16 – сонли “Асосий воситалар” номли стандарт асосида юритиш қулай инвестицион муҳит яратади. Чунки ушбу стандарт асосида ҳисоб сиёсати юритилиши инвесторлар учун қулай ва ишончли молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши натижасида асосий воситаларга инвестиция киритиш имкониятини яратади. Жаҳон иқтисодиётида асосий воситаларга йўналтирилган инвестициялар 2017 йилда 19 764 млрд. АҚШ долларни ташкил этган<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан асосий воситаларни янгилаш ва модернизациялаш жараёнида асосий воситалар ҳисобини тўғри юритиш, уларни асосланган ҳолда акс эттириш ва молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини аудит текширувидан ўтказиб борилишининг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Халқаро амалиётда асосий воситалар ҳисобини такомиллаштириш ва уни (БҲҲС) 16 - сонли “Асосий воситалар” стандартига мувофиқлаштириш, асосий воситалар аудитини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида доимий равишда илмий изланишлар олиб боришмоқда. Шу жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Канадада US GAAP, UK GAAP стандартлари асосида асосий воситалар амортизацияси, қайта баҳолаш ва уларни ўзаро алмаштириш қийматларини аниқлаш ва бухгалтерияда акс эттириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Лекин ушбу соҳада ечимини қутаётган масалалар жуда кўплиги ва жаҳондаги тажриба ҳамда илмий ютуқларни ўрганиш асосида асосий воситаларни баҳолаш, уларнинг ҳолати ва таркибини ўрганиш натижасида активларни бошқариш бўйича тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш, асосий воситалар аудити ҳамда унинг самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурати вужудга келмоқда.

Корхоналарда асосий воситаларни доимий модернизация қилиб бориш ва улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу масалада Ўзбекистонда маълум ишлар амалга оширилган, шу жумладан, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида муҳим вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Ушбу вазифаларни бажаришда асосий воситаларни тўғри ҳисобга олиб бориш

<sup>1</sup> Доклад о мировых инвестициях 2017: Основные тенденции и общий обзор. UNCTAD/WIR/2017.Женева, Швейцария.[http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2017\\_overview\\_ru.pdf](http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2017_overview_ru.pdf)

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

ҳамда аудитини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади. Корхона активларини хусусан, асосий воситаларни баҳолаш, улар ҳолати ва таркибини ўрганиш активларни бошқариш юзасидан тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса капитал ҳаракати узлуксизлиги, доимийлиги, тез айланувчанлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича ишончли чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида “Асосий воситалар” номли (БХХС) 16-сонли стандарт асосида ҳисобга олиш, уларнинг эскиришини маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш таннархига тўғри қўшиш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу стандартни Ўзбекистон бухгалтерия ҳисоби тизимига жорий этиш натижасида асосий воситаларни янгилаш ва қайта жиҳозлаш, унинг кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказиш ҳамда ҳисоби тўғри юритилишига баҳо бериш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сонли қонуннинг янги таҳрири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3946-сонли қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудитини халқаро стандартлар бўйича ташкил этишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ушбу мавзунини тадқиқ этиш юзасидан хорижий ва маҳаллий олимларининг бухгалтерия ҳисоби ҳамда аудитнинг назарий ва методологик асослари, шунингдек, халқаро стандартлардан фойдаланиш муаммоларига бағишланган илмий асарлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этишнинг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи-олимлардан И.Т.Абдукаримов, И.А.Аврора, В.П.Астахов, А.А.Додонов, М.В.Карп, Н.П.Кондраков, Р.А.Махмутов, Ж.Ришар, Дж.Робертсон, Е.М.Шабалин, В.А.Терехова, Хайсам Аль-Мубайдин<sup>3</sup> кабиларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

---

<sup>3</sup>Абдукаримов И.Т., Смагина В.В.. Долгосрочные активы, методы их оценки и анализа: Учебное пособие. – Тамбов: ТГУ им. Державина, 2002. -123 с. Аврора И.А. Основные средства: Бухгалтерский и налоговый учет. – М.: Бератор-Пресс. 2003.-325с.Астахов В.П. Бухгалтерский учёт: в необоротные активы и ценные бумаги. – М.: Экспертное бюро, 1997.-400с. Додонов А.А. Амортизация и износ основных средств. – М.: МТИ, 1994.-168 с.; Бухгалтерский учет основных средств. /Под ред. С.А. Николаевой. – М.: Аналитика-Пресс, 2012. - 466 с. Карп

Шунингдек, бу борадаги мавжуд муаммоларнинг айрим жиҳатлари ва ечимлари республикаимиз иқтисодчи-олимлари К.Б.Ахмеджанов, Э.Ф.Гадоев, Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, Б.И.Исроилов, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, Д.Кудбиев, К.Б.Уразов, И.Н.Қўзиев ва бошқаларнинг илмий ишланмаларида ўз аксини топган<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, ушбу соҳа бўйича маълум ишлар амалга оширилган.

Бевосита асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш масалалари бўйича Қ.А.Шакаронинг диссертация ишида<sup>5</sup> бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларида асосий воситалар ҳисоби ва назоратини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. И.Н.Исмановнинг докторлик диссертацияси<sup>6</sup> бозор иқтисодиётига ўтиш даврида узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисобида юритиш методологияси ва унинг аудитини такомиллаштириш масалаларига бағишланган.

Ушбу тадқиқот ишларида асосий эътибор хўжалик субъектларида асосий воситалар муайян жиҳатларининг ҳисоби ва аудити соҳасидаги муаммолар ечимига қаратилган. Шунга қарамай, муаммоларнинг ечими бўйича соҳа олимлари ўртасида турли қарашлар мавжудлиги, модернизациялаш шароитида узоқ муддатли активлар ҳисоби ва аудиторлик текширувига янада эътибор берилиши ушбу мавзунинг илмий жиҳатдан тўлиқ ҳал этилишини тақозо этади. Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг илмий-амалий муаммолари мустақил махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Шундай қилиб, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг зарурлиги ушбу диссертация иши мавзусини танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган “Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштиришнинг методологик асослари” мавзусидаги устувор йўналишлар доирасида бажарилган.

---

М. В., Махмутов Р.А., Шабалин Е.М. Финансовый лизинг на предприятии. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 1998. -119 с.; Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2007. -592 с. Ришар Ж. Бухгалтерский учет: теория и практика. Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2000,160 с. Робертсон Дж. Аудит. Перев.с англ. – Москва: КРМГ, 1993 г.С. 60,369. Учёт основных средств: современная концепция и тенденции развития. – Казань: изд-во КФЭИ, 2000.-308 с. Хайсам Аль-Мубайдин Учет и аудиторский контроль экономической эффективности основных средств (по материалам Королевства Иордания): 08.00.08: Автореферат дис...канд.экон.наук. – Т.: БФА 2001. -21 с. Международные и национальные стандарты учета финансовой отчетности : 2-е изд., перераб. и допол./ В.А.Терехова. – СПб.: Питер, 2003.-272 с.

<sup>4</sup>Ахмеджанов К. Б. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит методологиясини такомиллаштириш : 08.00.07: и.ф.д... дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2016. -76 б., Гадоев Э.Ф., Хасанов Н., Югай Л. Асосий воситалар ва номоддий активларни ҳисобга олиш ва солиққа тортиш. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2003. -208 б.. Дусмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография. – Т.: Молия, 2007. -276 б. Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва таҳлилининг методологик асослари : 08.00.08 и.ф.д... дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2006. -50 б. Ибрагимов А.К., Очилов И.К., Қўзиев И.Н., Ризаев Н.К. Молиявий ва бошқарув ҳисоби: ўқув қўлланма. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. -444 б. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Самарқанд: Зарафшон, 2001. 272б., Кудбиев Д. Учёт и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования (вопросы теории и практики). Автореферат дис. на соискание степени д.э.н. – М., 1991. -32с; Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2005.-201 б.; Хасанов Б.А., Алибоев З.А., Зокирова М.Ш.. Ички аудитни автоматлаштириш асослари. – Т.: Фан 2003. -162 б.

<sup>5</sup>Шакарон Қ. Асосий воситалар ҳисоби ва назоратини ташкил қилиш (мулкчиликнинг турли хил шаклларида). и.ф.н. илмий даражасини олиш учун дис. автореферати. – Т.: БМА, -2000. -24 б.

<sup>6</sup>Исманов И.Н. Узоқ муддатли активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автореферати. – Т.: БМА -2009.-33 б.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисобини ташкил қилиш ва аудитини такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситаларнинг таркиби ва тузилишидаги ўзгаришларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш асосида хусусиятларини аниқлаш, унинг таркиби ва гуруҳланишини қиёсий жиҳатдан таққослаш;

асосий воситалар ҳисобининг хусусиятларини изоҳлаб бериш ҳамда асосий воситаларни туркумлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар билан ўзаро алоқада бўлувчи счётлар режасига ўзгартиришлар киритишга қаратилган амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

корхоналарда асосий воситаларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг халқаро тажриба асосида ташкил этилиши ва такомиллаштириш бўйича муаммоларни аниқлаш;

халқаро тажриба асосида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш тартиби ва унинг ҳисобини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш;

асосий воситаларнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилишда молиявий таҳлил кўрсаткичларидан фойдаланиш натижасида амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш, аудит қилиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** этиб, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** иқтисодийни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби ва аудитини халқаро молиявий ҳисобот стандартларининг талабларига мос равишда ташкил этишда юзага келувчи иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик моделлаштириш ва гуруҳлаш каби усуллардан кенг фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

асосий воситалар таркибида ҳисобга олинаётган объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида асосий воситаларни туркумлашнинг такомиллашган гуруҳи ишлаб чиқилган;

асосий воситаларни таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсулот таннархига тўғри олиб борилишини таъминлашда таъмирлаш заҳираси бўйича амортизация фондини яратиш ҳамда унинг ҳисобини юритиш бўйича амалдаги ишчи счётлар режаси такомиллаштирилган;

товар хомашё биржасидан сотиб олинган транспорт воситаларининг давлат рақамларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда тўғри акс эттиришда 0450-“Аукцион орқали олинган транспорт воситаларининг давлат рақамлари” ҳамда 0550-“Аукцион орқали олинган транспорт воситаларининг давлат

рақамлари амортизацияси” номли янги ишчи счётлардан фойдаланиш таклиф этилган;

асосий воситалар аудити натижаларининг ишончлилиги ва сифатини оширишда таҳлилий амаллар ҳамда молиявий таҳлил кўрсаткичларидан молиявий ҳолат таҳлилида фойдаланиш услубияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар билан ўзаро алоқада бўлувчи счётлар режасига ўзгартиришлар киритишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалардан самарали фойдаланиш мақсадида унинг хизмат муддати мулкдорлар томонидан белгиланиши таклиф қилинган;

асосий воситаларни инвентарь карточкаси ўрнига электрон штрих кодлардан фойдаланиш амалиёти таклиф қилинган;

асосий воситалар аудитини ўтказишдаги кетма-кетлик модули ишлаб чиқилган;

асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш муддатини бир (1) ой деб, белгилаш таклифи берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ишлаб чиқаришда фаолият юритаётган хўжалик субъектлари маълумотларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари, шунингдек, “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги субъектларнинг амалий маълумотлари ва бошқа маълумотлар таҳлилига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобининг миллий стандартлари, аудиторлик фаолияти ва ички аудит хизматига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек, олий ўқув юртларида амалий қўлланма яратиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича илмий натижалар асосида:

асосий воситаларни амалиётда туркумлашнинг такомиллашган гуруҳи бўйича берилган таклифлари “Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги “Galla-Alteg” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўздонмаҳсулот” АҚ тизимидаги

“Galla-Alteg” АЖнинг 2018 йил 16 апрелдаги 03/345-сон маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этишда асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида тўғри гуруҳлаш ҳамда ундан самарали фойдаланиш имконияти яратилган;

асосий воситаларни амортизация фондини ташкил этиш ва уни алоҳида счётини очиш таклифлари “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги “Galla-Alteg” АЖ томонидан амалиётга жорий этилган (“Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги “Galla-Alteg” АЖнинг 2018 йил 16 апрелдаги 03/345-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари назоратга олинган ҳамда шу билан бирга асосий воситаларни ўз вақтида модернизация қилиб борилиши такомиллаштирилган;

“Аукцион орқали олинган транспорт воситаларининг давлат рақамлари” номли ва унинг амортизациясини ҳисобга олувчи ишчи счётларни очиш бўйича таклифлари “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги “Toshkentdonmahsulotlari” АЖ томонидан амалиётга жорий қилинган (“Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги “Toshkentdonmahsulotlari” АЖнинг 2018 йил 26 майдаги 4/568-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши орқали корхонада амортизация харажатларини бошқа операцион харажатларга қўшган ҳолда солиққа тортиладиган базани ҳисоблашда ушбу сумма харажатлар таркибидан чиқарилиб, фойда ҳисобидан қопланиши тартиби ишлаб чиқилиши натижасида ушбу харажатни алоҳида ишчи счётида олиб бориш имконияти яратилган;

асосий воситалар ҳаракатини аудиторлик назоратидан ўтказишда молиявий таҳлил кўрсаткичларидан фойдаланиш таклифлари Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 12 февралдаги 429 п-сон билан рўйхатдан ўтган Уставининг 2.2-бандига асосан услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2018 йил 12 июндаги 44-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий қилиниши натижасида корхонада моддий ресурслардан тўғри ва мақсадли фойдаланиш даражасига баҳо бериш имконияти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 6 та республика ва 10 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган ва ижобий хулосалар олинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 16 та маъруза тезислари, жумладан, маҳаллий конференцияларда 6 та, халқаро конференцияларда 10 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.




## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тақиқотларнинг долзарблиги ва зарурати ёритилган, Республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, эълон қилинган ишлар ва диссертация таркиби келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Иқтисодийни модернизациялаш шароитида асосий воситалар ҳисоби ва аудитининг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда мавзунинг илмий - назарий асослари ўрганилган.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодийнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал этувчи устувор йўналишга айланмоқда. Ушбу масалада асосий воситаларни таркиби ва ундан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларнинг мустақил фаолиятини таъминлаш билан бирга уларнинг тез ривожланиши учун шароитлар яратиб бермоқда. Асосий воситалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситалари гуруҳларига ажратилиб ҳисобга олиб борилади (1-расм).



**1-расм. Ўзбекистонда асосий воситаларнинг тармоқлар бўйича таркиби<sup>7</sup>**  
(млн.сўм)

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, асосий воситалар таркибида хизмат кўрсатувчи тармоқларда асосий воситалар ишлаб чиқаришга нисбатан кўпроқ бўлиб, уларнинг салмоғи 2017 йилда 59,7 % ни ташкил этган. 2013

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

йилга нисбатан жами асосий воситалар 43181,8 млн.сўмга кўпайганлигини кузатиш мумкин, унинг ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришини кузатсак, 14779,1 млн.сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Хизмат кўрсатувчи тармоқда эса асосий воситалар 2013 йилга нисбатан 28402,7 млн.сўмга кўпайганлиги ёки 2,665 бараварга ошганлигини кузатиш мумкин. Агар унинг ўсиш тенденциясини кўрсак, йилдан-йилга ортиб борган. Асосий воситалар таркибини йиллар бўйича айрим тармоқлар асосида таҳлил қилиш унинг таркибини билиш учун имконият яратади.

Ушбу масалада “Ўздонмахсулот” АК томонидан асосий воситаларнинг ўзгаришига эътибор қаратамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**“Ўздонмахсулот” АКда асосий воситаларни баланс қиймати бўйича таркибининг таҳлили<sup>8</sup>(млн. сўм ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	йиллар				
	2013	2014	2015	2016	2017
Баланс қиймати	455 919,3	515 910,3	583 849,0	702 981,7	770 770,6
Эскириши	182 335,5	220 521,9	248 339,4	287 810,7	326 263,7
Қолдиқ қиймати	273 583,8	295388,4	335 509,5	415 171,0	444 506,9

1-жадвал маълумотида кўра, йилдан-йилга асосий воситаларнинг баланс қиймати кўпайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Демак, асосий воситалар баланс қиймати ва қолдиқ қиймати мос равишда кўпайиб борган. Чунки, асосий воситаларни сотиб олиш ва янги замонавий турларини олиш натижасида унинг қиймати ўзгариб борган. Масалан, асосий воситаларни баланс қиймати, эскириш қиймати ва қолдиқ қийматини ўзаро таққосласак, 2013 йилда уларнинг эскириш қиймати 39,99 фоизни, қолдиқ қиймати 60,01 фоизни, 2017 йилда мос равишда 42,3 фоиз, 57,7 фоизни ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Демак, асосий вазифа асосий воситаларни ҳисобга олиш жараёнида унинг таркибига эътибор бериш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда бизнинг фикримизча асосий воситаларга берилган таъриф, уларнинг қиймати ва хизмат кўрсатиш муддатида бир оз қўшимчалар киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Лекин акциядорлик жамияти, хусусий ва бошқа мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситаларнинг хизмат муддати ва қиймати мулкдорлар томонидан белгиланиши мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки, улардаги асосий воситалар таркибида ҳисобга олинган газ плита, совутгич, телевизор, принтер, ҳисоблаш техникалари каби мулкларни қиймати ҳозирги шароитда тахминан 15-20 минимал иш ҳақини ташкил этади, лекин уларнинг хизмат муддати 3 йил ва ундан кўпроқ муддатни ташкил этади.

Уларни бухгалтерияда ҳисобга олишда қуйидаги муаммолар вужудга келади:

<sup>8</sup>“Ўздонмахсулот” АК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ушбу воситаларни қайси счётада ҳисобга олиш лозим, яъни, 0100 - “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётларда” юритиладими ёки 1080- “Инвентарь ва хўжалик жиҳозлари” счётида юритилиши керакми деган савол пайдо бўлади. Амалиётда бу аввало, бош бухгалтер тажрибаси ва уларни қаерда юритиш корхона манфаатига мос келишига қараб акс эттиради;

асосий воситалар учун ҳисобланадиган амортизация суммаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархига кўшилса, таннарх ошиб кетиб бозор қонуниятига бўлган талабга жавоб бермаслиги мумкин. Чунки, баъзи бир асосий воситаларнинг ишлаш муддати 20-30 йилни ташкил этиши амалда фойдаланилаётган амортизация сиёсатига умуман тўғри келмайди;

миллий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўп жиҳатдан асосий капиталнинг миқдорий ўсишига эмас, балки унинг самарадорлигини оширишга, яъни, асосий капиталнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида турли мулкчилик шаклида фаолият юритаётган корхоналарда мулкка бўлган ҳуқуқнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

Кейинги муҳим масала асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш нуқтаи назаридан донни қайта ишлаш корхоналаридаги асосий воситалар таркибини таҳлил қилиш ҳисобланади. Ушбу субъектларда асосий воситалар таркибида ун тегирмонлари, донни сақлаш элеваторлари, донни қайта ишлаш ускуналари каби асосий ўринни эгаллайдиган асосий воситалар муҳим ҳисобланади. Шу сабабли, асосий воситаларни гуруҳларга ажратиш зарурияти вужудга келади. Асосий воситаларни ҳисобга олиш учун уларни маълум гуруҳларга ажратиш ва ҳисобга олиш масаласида В.Ф.Палий, Р.З.Тумасян, А.К.Ибрагимов, А.А.Каримов, Қ.А.Шакаров каби иқтисодчи-олимларнинг фикрлари ўрганилди. Ушбу фикрларни умумлаштириш натижасида асосий воситалардан унумли ва самарали фойдаланишда хўжалик юритувчи субъектда, аввало, уларнинг ҳисобда тўғри гуруҳланишига асосий эътибор қаратиш кераклиги аниқланди.

Ушбу фикрларни умумлаштириб, “Ўздонмаҳсулот” АК маълумотларини таҳлил қилиш натижасида асосий воситаларни қуйидаги мезонлар асосида гуруҳлаш таклиф этилмоқда (2-расм).

Ҳар бир хўжалик субъектида асосий воситаларни туркумлаш мақсадга мувофиқ амалга оширилса, ушбу ҳолатдагина асосий воситалар ҳолатини билиш билан бирга ўз вақтида модернизациялаш жараёнини ҳам амалга ошириб бориш мумкин.

Асосий воситаларни 6 та турга ажратиш жараёнида ишлаб чиқариш корхоналарнинг амалий маълумотлари асосида ўрганиб чиқилди ҳамда ушбу туркумланиш илмий таклиф тариқасида киритиб ўтилди.

Республика иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнида асосий воситалар ҳисоби ва аудитини ислоҳ қилиш юртимиздаги мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда халқаро стандартлар доирасида ташкил этиш ва юритишни талаб этади.

Бунда ҳисоб сиёсатида, хусусан, асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш сиёсати «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли БҲМСга асосан ишлаб чиқилиши керак.



## 2-расм. Ўздонмаҳсулотлари АК тизимидаги корхоналарда асосий воситаларнинг туркумланиши<sup>9</sup>

Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш ва юритиш учун ҳисоб сиёсати қуйидагиларни таъминлаши лозим:

асосий воситалар ҳисоби фойдаланувчилар эҳтиёжи учун аҳамиятли бўлиши;

асосий воситалар ҳисобининг ишончли бўлиши;

айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг асосий воситалар юзасидан молиявий ҳисоботларини таққослаш имконини бериши;

асосий воситалар ҳисоби тушунарли ва оддий бўлиши лозим.

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига кўра асосий воситаларни тан олиш масаласи муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан МХХСнинг 16-сонли “Асосий воситалар” стандартига кўра асосий воситалар тан олиниши қуйидаги ҳолларда амалга оширилади<sup>10</sup>:

актив билан боғлиқ бўлган келгуси иқтисодий фойда корхона томонидан олиниши эҳтимоли юқори даражада деб тасдиқланганда;

корхона учун активнинг таннархи ишончли баҳоланиши мумкин бўлганда.

Демак, асосий воситаларни ушбу икки шартга жавоб беришига қараб тан олиниши амалга оширилади. Шу жумладан, асосий восита тан олишнинг биринчи шартига жавоб берса, корхона дастлабки тан олиниш вақтига қараб

<sup>9</sup>“Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги корхоналар маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

<sup>10</sup>Международные стандарты финансовой отчётности. - М.: АСКЕРИ, 2013. -1210 стр.

актив билан боғлиқ келгуси иқтисодий фойда олиш эҳтимолини белгилайди. Ушбу эҳтимоллик даражаси корхона томонидан актив билан боғлиқ манфаат ва рискларни олиши аниқ бўлишини талаб этади.

Асосий воситаларни ҳисобга олишдаги асосий қоидалар уларни активлар деб эътироф этиш пайтини аниқлаш, бу активларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган уларни баланс қиймати ва амортизация меъёрини аниқлаш, шунингдек, асосий воситаларнинг баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни аниқлаш ҳамда ҳисобга олиш, амортизация ажратмаларини ҳисоблаб чиқариш ва уларни ҳисобдан чиқаришдан иборат.

Шунингдек, асосий воситалар ҳисобини юритишда «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли 1-сонли БҲМС, «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сонли БҲМС, «Лизинг ҳисоби» номли 6-сонли БҲМС, «Бухгалтерия баланси» номли 15-сон БҲМС, «Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги кутилмаган ҳодиса ва хўжалик фаолиятида содир бўладиган воқеалар» номли 16-сонли БҲМС, «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» номли 17-сонли БҲМС, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сонли БҲМС, «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сонли БҲМСларидан кенг фойдаланилади. Ушбу стандартлар ва шу каби бошқа меъёрий ҳужжатлар асосий воситалар ҳисоби ва уларнинг аудитини ташкил этиш ҳамда юритиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Асосий воситалар ҳисоби мазкур стандартлар доирасида ташкил этилганлиги ҳамда юритилишини текшириш, шунга кўра баҳо бериш асосий воситалар юзасидан ўтказиладиган аудиторлик текширувининг асосий эътибор қаратиладиган жиҳатини ташкил этади.

Асосий воситалар аудитини амалга ошириш жараёнида мулклар қўшимча тўлов билан айирбошланган ҳолатларда алмаштириш йўли билан харид қилинган асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати ўтказилган асосий воситалар объектини айирбошлаш вақтида ўтказилган (олинган) пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари суммасига оширилган (камайтирилган) қолдиқ қийматига тенг. Ушбу ҳолатда асосий воситаларнинг қайта баҳоланиши муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шу сабабли, фикримизча, белгиланган тартибда мажбуриятларни (тўловни) пул кўринишида бўлмаган маблағлар билан бажариш назарда тутилувчи шартномалар бўйича олинган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказилиши лозим бўлган қимматликларнинг қиймати тан олинади. Корхона томонидан ўтказилган ёки ўтказиладиган мавжуд бойликларнинг қийматини корхона таққослаш шarti билан шунга ўхшаш мавжуд бойликлар қийматини белгиловчи нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш таклиф этилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Асосий воситалар ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари ва уни такомиллаштириш**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда асосий воситаларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқаришни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уни такомиллаштириш, асосий воситаларни қайта

баҳоланиши ва эскиришини ҳисобга олишни такомиллаштириш масалалари амалий маълумотлар билан бойитилиб, тегишли таклифлар берилган.

Йил давомида асосий воситалар ўзгаришини тадқиқ этсак, ушбу кўрсаткичлар, масалан, 2017 йилда қуйидагича бўлган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Асосий воситаларни тармоқлар бўйича 2017 йил ўзгариши таҳлили**  
(млрд. сўм ҳисобида)<sup>11</sup>

Асосий воситаларнинг тўлиқ баланс қиймати бўйича	Йил бошига асосий воситалар қиймати	Йил давомида асосий воситалар кирими	Асосий воситаларнинг йил давомида чиқими	Йил охирига асосий воситалар қиймати
Асосий воситалар жами	211 345,4	55 638,8	20 676,7	246 307,5
Ишлаб чиқариш тармоғи бўйича, шу жумладан	100 619,8	34 706,1	12 045,5	123 284,4
Саноат	74 782,8	21 981,1	1 865,3	94 898,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	19 508,8	11 136,4	9 864,2	20 781,0
Қурилиш	6 328,2	1 588,6	312,0	7 604,8

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилда жами асосий воситалар қиймати йил охирида йил бошига нисбатан +34962,1 млрд.сўмга ошган (246 307,5-211 345,4). Ишлаб чиқариш тармоғи бўйича энг катта ўсиш саноат ҳиссасига тўғри келган.

Ушбу ўзгаришлар асосий воситалар сифатини яхшилашга хизмат қилишини ҳам ўрганиш лозим. Шу нуқтаи назардан, асосий воситалар киримида янги ва замонавий техникаларни сотиб олиш масаласига эътибор бериш керак.

Асосий воситалардан самарали фойдаланиш ва уларнинг иш қобилиятига асосий эътибор бериш муҳим саналади. Шу жумладан эски, лекин фойдаланишга яроқли асосий воситалардан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ва унинг харажатлари ошиб кетиши маҳсулот таннархига таъсир этувчи омил эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда хизмат муддатини ўтаб бўлган асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш мақсадида уларга нисбатан солиқ нуқтаи назаридан кўшимча тадбирлар белгиланди. Чунки, чопиқ тракторларининг 55 %, ер ҳайдайдиган тракторларнинг 46% дан ортиғи 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида ишлатилаётган, қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий стандартларга жавоб бермайдиган эски техника бўлиб фойдаланиш муддатини ўтаб бўлган. Шу боис ушбу техникалардан фойдаланиш кўшимча харажатларни талаб этади.

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Ушбу масалада Ўзбекистон Республикаси дон маҳсулотларини қайта ишлаш тармоғида яъни, “Galla Alteg” АЖда асосий воситалар таркибини кузатиш мумкин (3-жадвал).

**3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси “Galla Alteg” АЖда асосий воситаларнинг таркиби таҳлили<sup>12</sup> (минг сўмда).**

<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>2013й.</b>	<b>2014й.</b>	<b>2015й.</b>	<b>2016й.</b>	<b>2017й.</b>
Баланс қиймати	10 129 659	11 004 365	11 350 028	26 694 383	26 621 189
эскириши	5 249 344	6 510 773	7 595 110	9 924 721	12 210 334
кирими	442 934	849 757	43 559	9 770 353	68 040
ҳисобдан чиқарилиши	170 651	9 490	36 503	146 508	2 382 670
сотилиши	70 173	34 799	27 320	105 726	15 319
қолдиқ қиймати	4 880 315	4 493 592	3 754 918	16 769 662	14 410 855

“Galla Alteg” АЖда асосий воситаларнинг таркибини таҳлил қилиш натижасида 2016 йилда 9 770 353 минг сўмлик асосий восита, яъни янги тегирмон ўрнатилган. Натижада асосий воситалардан фойдаланиш харажатларини тежаш имконияти яратилган. Шу сабабли асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҳам 16 769 662 минг сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 4,5 баробарга ошганлигини кузатиш мумкин.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, иқтисодийни модернизациялаш шароитида “Galla Alteg” АЖ 2013-2017 йиллар давомида, яъни, беш йилликнинг натижасига кўра 2 745 822 минг сўмлик асосий воситалар яроқсизлиги сабабли ҳисобдан чиқарилган, бу умумий асосий воситаларнинг 25 фоизини ташкил этади. Корхона фойдаланилмаётган 253 337 минг сўмлик яъни, 1 фоиздан кўпроқ асосий воситаларини сотиб, даромад ҳам олинган. Бундан ташқари эскирган асосий воситаларини ўрнига 11 174 643 минг сўмлик, яъни 74 фоиз асосий восита харид қилиниб, киримга олинган. Жумладан, юқорида маълумотлар асосида янги тегирмон сотиб олиниб ўрнатилиши, натижасида сифатли ва тежамкор маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган. Ушбу модернизация қилинган асосий восита бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Ишлаб чиқариш харажатлари тушиши ҳисобига маҳсулот таннархи ҳам 10 фоизга камайганлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли эскирган асосий воситаларни ўз вақтида янги асосий воситалар билан алмаштириш мақсадга мувофиқлиги сабаби ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб талабларидан бири ҳам модернизациялаш бўлиб келмоқда, чунки, шунга амал қилинса, мамлакатимиз иқтисодий кўрсаткичларини ижобий томонга ўсишига олиб келади.

“Galla Alteg” АЖда ушбу таклифни амалиётда қўллашни жорий этиш мақсадида 2018 йил 1 чорак ҳолати бўйича таҳлил қилинганда, захирадаги

<sup>12</sup>“Galla Alteg” АЖ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

асосий воситалар, таъмирлашдаги асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалари мавжуд эмас. Қурилиши давом этаётган балансга олинмаган асосий воситалар 1022 200 минг сўмни, ижарага берилган асосий воситалар мавжуд эмас. Ижарага олинган асосий воситалар 135 897 минг сўмни, ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар 7 422 185 минг сўмни ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, асосий воситаларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришда иштирок этмоқда.<sup>13</sup>

Асосий воситаларга амортизация ҳисоблашда улар бухгалтерия ҳисобига қабул қилинганидан бошлаб келтирадиган самарага эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз, яъни:

уларнинг келажакда кутилаётган фойдали ишлаб чиқариш қувватига:

фойдаланиш режими (сменалар миқдори) ва муҳитнинг агрессив таъсирига боғлиқ жисмоний эскириш:

бозордаги рақобат кучайиши натижасида келгусидаги маънавий эскириш ҳисобига модернизацияга эҳтиёж кучайиши.

Асосий воситаларни қайта тиклаш, айниқса, инфляция даврида инвестицияга йўналтириладиган молиявий ресурсларга эҳтиёжни янада оширади. Шунинг учун амортизация ажратиш жараёнидан бошлаб, асосий воситаларни қайта тиклашга йўналтириладиган маблағлар захирасини шакллантириб боришни тақозо этади.

Амортизация ажратмаси кўринишида айланма маблағга айланган асосий воситанинг қиймати, айланма маблағлар таркибида доимий ҳаракатда бўлади. Унинг манбаси эса балансда алоҳида моддада ҳисобга олинмайди. Амортизациянинг манбасини амалдаги баланс манбаларидан изланса, уни фақат фойда таркибидан топиш мумкин.

Шунинг учун, фойда ҳисобига амортизация жамғармасини шакллантириб бориш ва асосий воситаларни тиклаш билан боғлиқ муаммоларни ушбу жамғарма орқали ҳисобга олиб, асосий воситаларни тиклаш юзасидан назорат ўрнатиш таклиф қилинди.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши билан боғлиқ молиявий натижалар ҳисобини ихчамлаштириш ва даромад манбаи сифатида ҳисобга қайд этиш мақсадида тадқиқот ишида бухгалтерия ёзувларини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилди.

МҲХСда асосий воситалар бўлими балансинг биринчи қисмида турмайди, чунки, бу узоқ муддатли активларнинг ликвидлик даражаси пастлиги учун ликвидлигига кўра жойлаштирилади.

Ҳаракатдаги 16-сонли БҲМС бўйича балансинг дастлабки қисми узоқ муддатли активларга тегишли бўлганлиги учун асосий воситалар балансинг биринчи қаторидан жой олган ва асосий воситалар ҳаракати тўғрисида статистика органига 2-а ҳисобот топширади.

Халқаро стандартда узоқ муддатли активларнинг ликвидлилик даражаси паст деб ҳисобланади, бу активлар маълум маънода ҳам кам фойда келтирувчи ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари албатта умумий

<sup>13</sup>“Galla Alteg” АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинган.



тарзда тузилган, уни ҳар бир мамлакат ўз миллий стандартларига мослаштиради. Миллий ҳисоб тизимида асосий воситалар моддаси ҳам халқаро стандартлар асосида тузилган, баъзи қисмлари миллийлаштирилган.

Асосий воситалар ҳисобида тўрт асосий масала мавжуд бўлиши лозимлиги стандартда кўрсатилган, улар қуйидагилар:

асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси;

асосий восита қийматини келгуси даврларга тақсимлаш учун аниқланган эскириш фоизи;

асосий воситалар олингандан кейин қийматининг ўзгариши, шу жумладан, қиймати кўпайиши, ёки эҳтимолий камайиши, камайишининг оқибатларини счётларда қандай қилиб акс эттирилиши;

активларнинг кейинчалик ҳисобдан чиқарилишини рўйхатга олиш.

Бундан ташқари сўнгги вақтларда автомашиналар учун товар-хомашё биржасидан (онлайн тарзда аукцион орқали “чиройли авторақамларни сотиб олиш”) кимошди нархларда жуда қиммат нархларда сотиб олинмоқда. Шу сабабли автомашиналар учун биржа орқали сотиб олинган ушбу давлат рақамлари ҳисобини юритишда муаммолар вужудга келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси товар хом - ашё биржасининг 2018 йил 27 июль ҳолати бўйича берган маълумотларига кўра, республикамиз бўйича онлайн тарзда аукцион орқали юридик шахсларга 1 521 та 18,5 млрд. сўмлик авторақамлар сотилган.<sup>14</sup> Ушбу авторақамларни автомобиль нархига кўшсак, автомобиль баланс қиймати 1,5- 2 баробарга ошиб, шу русумдаги машина қийматининг турлича бўлишига олиб келади.

Агар автомашина учун оддий давлат рақами олинган бўлса, ушбу қийматни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 5-сонли “Асосий воситалар” номли стандартга кўра, қабул қилинаётган асосий восита, яъни автомашинанинг баланс қийматига кўшиш мумкин ва бунда ортиқча муаммо пайдо бўлмайди. Лекин аукционда сотиб олинса, асосий воситанинг қийматига таъсири катта бўлганлиги сабабли уни ҳисобга олишда муаммо пайдо бўлади. Масалан, “Нексия-3” автомашинаси автосалондан сотиб олинса, 2018 йил май ойида ушбу автомашинанинг қиймати қуйидагича бўлганлигини кузатиш мумкин. (4-жадвал).

#### 4-жадвал

##### Автомашинага чиройли давлат рақамини олиш таҳлили<sup>15</sup>

№	Автосалонда автомашина маркаси	Унинг қиймати
1.	NEXIA R 3 LT	73 230 640 сўм
2.	NEXIA R 3 LT/AT	79 920 885 сўм
3.	NEXIA R 3 LTZ/AT	85 979 575 сўм
4.	Автомашинани расмийлаштириш ва давлат рақами олиш харажатлари. Жами: Давлат божи; Техникпаспорт олиш; Давлат рақами олиш харажатлари;	396 152 сўм 17 224 сўм 120 568 сўм 258360 сўм

<sup>14</sup>Ўз.Рес.ТХАБ маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

<sup>15</sup>Муаллиф ишланмаси.

5.	Чиройли давлат авторақами онлайн тарзда аукцион орқали сотиб олинди	102 345 000 сўм
----	---	-----------------

